

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК: 331.5.024.54; 331.5.024.52

РУСТАМОВ ЭРКИН ЭРКАМОВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ
ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар – иқтисод фанлари доктори,
профессор Абдурахмонова Г.Қ.

ТОШКЕТ – 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. Иқтисодий инновацион ривожланиши шароитида аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишнинг назарий асослари	14
1.1. Иқтисодий инновацион ривожланиши шароитида аҳолининг иш билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти	14
1.2. Аҳолини иш билан бандлигининг инновацион шакллари ва уларни ўзаро алоқадорлиги	25
1.3. Инновацион иқтисодиётда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг хориж тажрибаси	34
I боб бўйича қисқача хулосалар	46
II БОБ. Иқтисодий инновацион ривожлантиришда – аҳолининг иш билан бандлик даражасининг замонавий ҳолати таҳлили	49
2.1. Иқтисодий инновацион ривожланишининг аҳоли иш билан бандлигига таъсири	49
2.2. Инновацион иқтисодий ривожлантиришда иш билан бандликнинг Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар хусусиятлари таҳлили	68
2.3. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда давлат-хусусий шериклиги салоҳиятини баҳолаш	81
II боб бўйича қисқача хулосалар	89
III БОБ. Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари	92
3.1. Инновацион иқтисодиёт учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш истиқболлари	92
3.2. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши асосида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш	101
3.3. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини иш билан кафолатли таъминлаш йўллари	111
III боб бўйича қисқача хулосалар	126
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	129
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	135

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Мамлакатда аҳолининг ишчанлик фаоллиги ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлаш натижасида янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастурини амалга ошириш ҳисобидан ҳар йили юз минглаб янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Бироқ, бугунги кунда аҳолисининг сони 33 миллиондан ошган Ўзбекистон учун бу етарли эмас.

Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев “..... мамлакатимизда ҳақиқий ишсизлар сони қанча? Иқтисодиётнинг норасмий секторида неча фоиз аҳоли банд? Хорижга иш қидириб кетганларнинг сони-чи? Биз бир нарсани тўғри тушунишимиз керак: битта ишсиз одам – ўнта муаммо дегани. Бу муаммолар ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зарарини ҳисобласак, масаланинг нақадар жиддий экани янада ойдинлашади” деб кўрсатдилар ва “аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган зарур чоралар кўришимиз лозим”лигини¹ таъкидлаганлар.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш юзасидан давлат органлари ишлари самарадорлигини ошириш, фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, янги иш ўринларини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш юзасидан аниқ

¹ Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь

вазифалар белгиланган ва уларнинг изчил бажарилиши таъминланмоқда. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига қўшимча маблағлар ажратилмоқда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари ташкил этилди.

Янги иш ўринларини ташкил этишни назарда тутувчи кичик ва мини-лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли микрокредитлар ажратилмоқда. Қишлоқ туманларининг аҳолиси сони 5 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктларида хизмат кўрсатишнинг айрим соҳаларида меҳнат фаолиятини йўлга қўйган якка тартибдаги тадбиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилди¹.

Шунингдек, 2019 йилда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмасида иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб этиш, норасмий иш ўринларини расмийлаштиришни рағбатлантириш мақсадида Бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш жорий этилди.

Амалга оширилган таҳлиллар янги ташкил этилаётган барча иш ўринлари ҳам меҳнат бозори талабларига мос келмаётганлиги, бу меҳнат ресурсларига талаб ва таклиф мувозанатининг бузилишига, айрим минтақаларда ишсизлик даражасининг ошиб кетишига, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандликнинг ўсишига олиб келаётганлигидан далолат бермоқда.

Иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш орқали корхоналарни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобига юқори самарадор иш жойларини яратиш, фаол инновацион тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шаклларини ривожлантириш ҳам бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сонли қарори www.lex.uz